2003 YIL 9 MAY, JUMA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№61 (6.586). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА



ЯНА БИР МАЪРИФАТ МАСКАНИ (1-2-саҳифаларда)

ҚАЛЛОБЛИКНИНГ УМРИ ҚИСҚА (2-саҳифада)



САРҲАДЛАР ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА (2-саҳифада)

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

● Тошкент шаҳар ҳокимлигида жорий йилнинг биринчи чорагида пойтахтимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкент шаҳри халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида «Абдулла Авлоний ва замонавий таълим» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти иқтисодиёт факультети ҳузурида «Агробизнес» клуби очилди.

● Обод маҳалла йили муносабати билан республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган саломатлик поезди Навоий вилоятига етиб келди.

● Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғида Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракати кунига бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгшуурига миллий истиқлол ғояларига садоқат, она Ватанга муҳаббат туйғусини сингдириш мақсадида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказди.

● Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театрида Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб адибнинг «Шум бола» асари асосида «Шум боланинг шўхликлари» мусиқали комедияси саҳналаштирилди.

● Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи, «Маънавият ва маърифат» бўлими ҳамда «Нуроний» жамғармаси ҳамкорликда Обод маҳалла йилига бағишлаб «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: маҳалла, оила, инсоний қадриятлар» мавзуида кўчма кўргазма ташкил этди.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон радиологларининг «Тиббий визуализация ва интервенцияли радиологиянинг долзарб масалалари» мавзуидаги бешинчи халқаро илмий-амалий конференцияси иш бошлади.

# МУҚАДДАС ТУЙҒУ



***Хотира ва қадрлаш – бу икки сўз гўё бир-бирига уйғунлашиб кетгандай. Инсон борки ўтганларни эслайди, одамларни қадрлайди.***

Ҳаёт мазмуни ҳам шундан иборат эмасми? Чунки умри давомида яхшилик ила ном қолдириб кетган инсонларнинг номи унутилмай йиллардан-йилларга, авлодлардан-авлодларга қадар ёдга олинаверади.



Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан хотиралар яна бир бор уйғонади. Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгашида бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик. Бу ерда пиру бадавлат отахону онахонларимизни кўплаб учратдик. Уларнинг аксарияти уруш ва меҳнат фахрийлари эди.

**9 МАЙ - ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ**

-Яқинда республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор юзасидан қатор ишларни амалга ошириб келмоқдамиз, - дейди жамғарма марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Усмонов. – Айни пайтда мамлакатимизда 3 миллионга яқин фахрийлар мавжуд. Улардан 45 мингдан ортиғи уруш қатнашчилари, 30 минги уруш ногиронлари ҳисобланади. 365 мингдан ортиғи эса фронт ортида меҳнат қилганлардир. Шулардан тўрт мингга яқини бир асрни ортда қолдирганлар. Аммо, бундай табаррук инсонларнинг сафи йилдан-йилга сийраклашиб бормоқда. Байрам арафасида Тошкент шаҳридаги қирққа яқин хонадонларда бўлиб, фахрийларимизнинг ҳолидан хабар олдик.

Одам тафтини одам олади. Ёши улуғ кишиларни зиёрат қилиш, уларнинг ҳол-аҳволидан бохабар бўлиш халқимизнинг эзгу удумларидан биридир. Бу нарса бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Чунки биз нуроний отахонларимизни, мунис онахонларимизни табаррук биламиз. Айтайлик, бирон-бир жойга узоқ сафарга отлансак, албатта кекса бобомиз, момомиздан фотиҳа олишни канда қилмаймиз. Нима учун шундай? Бу ҳам ўзбекнинг ўзига хос фазилатларидан бири эмасми?



Шу кунларда пойтахтимиздаги Хотира майдонига келаётган зиёратчилар ўзларининг қуролдош дўстларини, машъум қатағон даврида шаҳид кетган ота-си-боболари хотирасини ёд этиб, уларни яна бир бор эслашади. Зеро, ўтганларни хотирлаш улуғ хислатдир.

**Азиз ЮНУСОВ – уруш ва меҳнат фахрийси:**

-Урушдан қайтганимдан сўнг эллик йилдан ортиқ вақт суд-ҳуқуқ тизимида ишладим. Мана бугун биз дўстларимиз, биродарларимиз билан бу ерга – Хотира майдонини зиёрат қилиш учун келдик. Чунки бу ерда кўплаб қуролдош, сафдош дўстларимизнинг номлари битилган. Уларнинг сиймоси, хотираси доим қалбимизда. Номларини ҳеч қачон унута олмаймиз.

**Абдуҳамид САИДОВ - уруш ва меҳнат фахрийси:**

-Мана бу суратга дўстим билан Берлинда тушганмиз. (Чўнтагидан ранги униққан, эски суратни олиб кўрсатади). Афсуски, дўстим урушдан тирик қайтмади. Уни доим ёнимда олиб юраман. Хотира майдонида дўстимнинг ҳам исми ёзилган. Шунинг учун бу масқан очилганидан буён келиб зиёрат қилиб кетаман.

Ҳа, хотира муқаддас туйғу. Буни бугун Хотира майдонини зиёрат қилиб юрган инсонларнинг нигоҳларидан, гапирган гапларидан ҳам илғаш қийин эмас.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

*(Бу ҳақдаги мақолаларнинг давомини 4-саҳифада ўқийсиз).*

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***БУХОРО. (ЎзА мухбири Илҳом САФАР). Бухоро вилоятида ислоҳотларни амалга ошириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кенг эътибор қаратилмоқда. Четдан келтирилаётган маҳсулотларнинг 47 турини бугун вилоят корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатлар туфайли 1 минг 199 кичик ва ўрта бизнес субъекти рўйхатга олиниб, 7 минг 400 иш ўрни очилди.

Вилоят иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб қилиш орқали маҳаллий хомашёни қайта ишлаб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Натижада қўшма корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш хажми 4,5 миллиард сўмга етди.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муаммо ва камчиликлар ҳам кам эмас. Маркетинг ва менежмент тўғри йўлга қўйилмаганлиги боис вилоятдаги тўққиз саноат корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетган. Тайёр маҳсулотлар қолдиғи 14,8 миллиард сўмга етганлиги, хомашё ва айланма маблағларнинг беҳуда сарфланаётганини кўрсатмоқда.

Аҳолининг коммунал хизматлардан фойдаланганлиги учун қарзлари ўсиб бормоқда. Бундай ташвишли аҳвол Бухоро шаҳрида, Когон, Пешку, Жондор, Ромитан ва Вобкент туманларида айниқса яққол кўзга ташланмоқда. Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга оширишда ҳам сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Бухоро вилоят фаолларининг шу йил биринчи чорак якунларига бағишланган йиғилишида ана шулар ҳақида гап борди. Вилоят ҳокими С.Ҳусенов бошқарган мазкур тадбирда мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқ муддатларда поёнига етказиш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Бундай мазмундаги йиғилишлар Фарғона, Андижон, Навоий вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

# ЎРМОН БАҒРИДАГИ АРМОН

***Сурхон ўрмонлари...***

***У мўъжизаларга, сир-синоатга, завқу ҳайратга ва аччиқ-аччиқ муаммоларга тўла. Кезиб-кезиб лол қоласиз. Мутасаддилар билан суҳбатда бўлиб, бош чайқайсиз. Булутларни "кўтариб" турган дарахтларга қараб дўппингиз ерга тушиб кетади, кўнглингиз чоғ бўлади. Ўрмончиликнинг ҳам "қайғуриб-қайғуриб айтгулик, қирқ кечага етгулик" дардларидан эса сизнинг ҳам таъбингиз хира тортади.***

Оддий бир ҳақиқат. Бир гектар нинабаргли дарахтзор бир йилда 6-14 тонна кислород чиқаради. 15-20 тонна ис газини ютади. 14-20 тонна чангни ушлаб қолади. Таъбир жоиз бўлса, Сурхондарёда 100 минг гектардан кўпроқ "кислород заводи" бор. Вилоят ўрмон хўжалиги бири бор. Улар дарахтларни шафқатсизларча қирқмоқда. "Дарбанд" қишлоқ хўжалигидан Раҳимов Акобир 9 та арча дарахтини қирқиб саранжомлаётганда ушланди. Хужжатлаштирилди. У давлатга 70 минг 320 сўм зарар етказган. Устига-устак жаримани тўлай, демаяпти. Ўзингиз ўйланг, пул билан табиат кўксидаги жароҳатни даволаб бўладими? Кичкина ниҳол катта арчага айланиши учун 50 йил керак. Салкам бир инсон умри. Ҳудуд катта. Ўрмон қўриқчилари кам. Дарахт ўғриларига эса жазо енгил! Шунданми, арчаларга нисбатан шафқатсизлик тобора кўпаймоқда.

Абдусаттор Омонқулов Бойсуннинг "Мачай" хўжалигидан 17 дона арчани кесиб кетган. Фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро суди унга нисбатан 181 минг 470 сўм жарима белгилади. Яна бир шафқатсиз дарахтлашмаси бош ўрмончиси Йўлдош Беккиевнинг сўзларига эътибор қаратайлик.

-Навоий, Бухоро, Хоразм, ҳатто Фарғона вилоятларидаги хўжаликлар ҳам кўплаб кўчатларни Сурхондарёдан олаяпти. Можевильник ниҳоли, Сарв, Элдор қарағайи, Шарқ арчаси кўчатларидан минг-минглаб етказиб бердик.

Ўрмончиликнинг пойдевори кўчатчиликда эканини кўпчилик билмайди. Ўрмон деса бирдан ҳамманинг кўз олдига ям-яшил дарахтзор келади. Аслида ўрмон ниҳоллардан яралади.

**МУАММО**

Яқинда воҳага Фарғона вилоятидаги мутасадди раҳбарлардан бири келиб, 5 минг туп Можевильник кўчатини сотиб олди.

Кўрдингизми, бир пайтлар янтоқ ўсиб ётган Сурхондарё бугун дунёга донғи кетган дарахт ниҳоллари етиштираяпти. Бу йил вилоят бўйича 70 минг туп кўчат сотилди. Ўрмончилар армонда ҳам қолишди. Декабрдаги қаҳратон совуқ 100 минг туп кўчатни "қовуриб" ташлади. Табиат ўз оти билан табиат-да! Совуқ урган ниҳоллар ўтинга айланди-қолди.

Вилоят ўрмончилари хурмо кўчатлари билан ҳам танилганлар. Сурхондарё иқлимига мослаштирилган бу кўчатларни бутун вилоят боғларига асосан улар тарқатишди. Қирқ йил илгари кўплар хурмонинг нималигини ҳам билишмасди. Бугун ўрмончилар бутун республикага хурмони "учирма" қилишаяпти. Уларнинг заҳмати билан минглаб туп хурмо ниҳоллари Хоразмдан Андижонгача кириб бораяпти.

Фарғона вилоятида боғдорчилик анча равнақ топган. Ўрмончилардан бири гурунг бериб қолди:

-Хурмонинг турлари кўп. Сурхондарёнинг ўзида ўн-ўн икки хили бор. Тошкентнинг бозорида бир хил хурмо кўрдим. Бунақа сархил, чиройлисини кўрмагандим. Сотувчи фарғоналик отахон экан: "Кўчатини Сурхондарёнинг Узунидан олиб келганман", дейди. "Янги нав-ку", деб юбордим. Хурмо эмас, ёмби олтин дейсиз.

Нусрат ака ҳам ўрмончи. Синчков, кузатувчан киши. "Бу йил ҳамма тур дарахтларни озми-кўпми совуқ урди. Фақат "Шарқ арчаси"га ҳеч нарса қилмади. Унга совуқ ўтмас экан", дейди. Ўрмончининг бу гапини мутахассислар эътиборга олишса арзийди.

Сурхондарё ўрмончиларининг яна бир оғриқли дарди бор. Буни кўпчилик билмайди. Билганлар ҳам эътиборсиз қарайди. Ўрмончиларни анчадан бери ана шу оғриқ қийнаб келмоқда. Тоғлардаги ўрмонзорлар чекиниб, арчазорлар қирқилиб бормоқда, дарахтлар вужудига тинимсиз тиғ урилмоқда. Бу муаммонинг моҳиятини тоғ қишлоғининг оддий одамидан тортиб, идорада ўтирган мутахассисгача тушунмоғи, "ёнаётган" дарахтларни сақлаб қолиш учун оёққа турмоғи лозим. Битта ўрмончининг ўзи бу улкан муаммони ҳал этиши мушкул.

Дарахт ўғриларига қарши тўсиқлар қўйиляпти, қўлга олиняпти, жаримага тортиляпти, судга бериляпти. Лекин...

"Бир гап айтайликми? Бойсун ўрмон хўжалиги ҳудудида арчаларнинг ашаддий ўғрилакесар Қизириқ бозорида 42 дона арча билан қўлга тушди. Узун туманидан Хўжамқулов Убайдулла 6 дона арча дарахтини кесиб улгурганида ўрмон қўриқчиси етиб борди. Айбдор жазоланди.

Аммо, ўрмон қўриқчилари доғда қолаётган ҳолатлар ҳам анчагина. Назоратчилар етиб келганда тўнкаларнинг ўзи қолади. На кесилган дарахтдан, на ўғридан ном-нишон бор. Уларга қарши аёвсиз курашиш учун ўрмончилар бутун имкониятларда фойдаланишмоқда. Самара кам, оқибат эса аянчли бўлиши мумкин. Тоғ ўрмонларининг чекиниши натижасида селлар, ўпирилишлар, тоғ кўчкилари ва тошқинлар сони ортади. Юзлаб қишлоқларда яшовчи минглаб инсонлар ҳаёти хавф остида қолади. Табиатдаги метин мувозанат бузилади. Баҳорда сойлар, дарёлар "қутурса", ёзда булоқлар қурийди. Қирқилган ўн туп арча эвазига энди сувсизликдан юзлаб туп дарахтлар, минглаб гектардаги ўт-ўланлар томчи сувга зор бўлиб нобуд бўлади. Бу ҳақда бонг уришнинг аллақачон вақти етган. Матбуотдан тортиб юқори мартабали мутахассисларгача бу фожианинг олдини олиш ҳақида қайғурса, чоралари изланса, айни муддао.

Кеча эртароқ эди, эртага кеч. Аҳвол шу зайлда кетаверса, армонда қоламиз. Шу ўринда яна бир муаммони айтиб ўтиш жоиз. Ўрмон хўжалиги қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари қарамоғига ўтказилганди. Натижада уларнинг мустақиллиги ва имкониятлари чегараланиб қолди. Бундан "бутун куч ва бутун эътибор пахтага, ғаллага! Ўрмон эса ўзи бўлаверади", деган тасаввур пайдо бўлмадимикин? Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керакдир? Сурхондарё вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси айни пайтда транспорт, ёқилғи ва бошқа қатор муаммоларни ҳал этишда қийналиб келмоқда.

Вилоят ўрмончилари хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорликка интилмоқда. Ният – ўрмончиликни ривожлантириш. Айниқса, тоғ писталари жаҳон бозорида эътиборга молик. Ҳозир 24 минг гектар пистазор мавжуд. Унинг 10 минг гектари ҳосилдор. Ўтган йили 30 тоннадан кўпроқ писта ҳосили олинди. Пистазорларнинг ҳосилини кўпайтириш ва сифатини дунё андозалари даражасига кўтариш лозим. Бу борада режалар, тадбирлар белгиланмоқда. Зеро, минглаб гектар ерларда пистазорлар ташкил этиш мумкин. Аъло навлар излаб топилса, кўпайтирилса, ўрмончилик соҳасида ҳам янгича ислоҳотлар жорий этилса, қандоқ яхши бўларди.

Сурхондарёда ўрмон ва тоғ шароити шифобахш гиёҳларни кўпайтириш, асраб-авайлаш, тайёрлаш учун ниҳоятда қулай. Бу борада ҳали "очилмаган қўриқ"лар бор. Бир ён Боботоғ, бир ён Бойсунтоғ, пойида Жайҳун. Бу ҳудудда сўнгсиз хазиналар, сўнгсиз ташвишлар борлигини эътибордан фориғ қилмайлик.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# КЕЛАЖАК БУГУН БОШЛАНАДИ

***Мазкур ҳафта юртимиз тарихи солномасини ўзига хос саналар билан безайдиган бўлди. Дунё нигоҳи демократик ва мутараққий жамият қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизга қаратилди.***




**ЭЗГУЛИК**

Аввало, доимий анъанага кўра бу йил Лондонда ўтказилиши керак бўлган ЕТТБ Бошқарувчилари Кенгашининг XII йиллик форуми илк бор Осиё қитъасида ва айнан бизнинг мамлакатимиз пойтахтида ўтказилганини қувонч билан таъкидлаб ўтишимиз жоиз. Мана шу нуфузли халқаро тадбир арафасида мамлакатимиз иқтисодиётини бойитишда хизмат қиладиган янги бизнес тури – жаҳон талабларига жавоб бера оладиган меҳмонхоналар бизнеси ривожланишига туртки берувчи янги тўрт ва уч юлдузли меҳмонхоналар ишга туширилди. Қисқа муддат ичида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Куни кеча Тошкент Халқаро Вестминстер университети янги биносининг очилиши ҳам ана шундай улуғвор бунёдкорлик ишларининг яна бир кўриниши бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

Ўтган йилнинг январ ойи ўрталарида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизда жаҳон таълим стандартлари талабларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, қобилиятли ёшларнинг салоҳиятини юзага чиқариш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида улардан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, ривожланган мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилувчи "Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинганди.

**(Давоми 2-бетда)**

**ЭКОЛОГИЯ**

# ЧЎЛЛАШУВ

***Сир эмас, сайёрамизда она табиат имкониятлари сезиларли равишда камайиб боряпти. Бу жараён айниқса, қурғоқчил ҳудудларда, яъни чўл ва чала чўл минтақаларда яққол сезилмоқда. Қурғоқчилик туфайли чўлларнинг кенгайиши, экин майдонларининг яроқсиз ҳолга келиши дунё олимлари томонидан "чўллашув" деб ном олди.***

-Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу муаммога қарши курашни янада кучайтириш учун 1994 йилнинг октябр ойида Париж шаҳрида халқаро анжуман ўтказган эди ва унда "Чўллашувга қарши кураш Конвенцияси" қабул қилинди.

Айни дамда 100 дан ортиқ давлат шу Конвенцияни қабул қилган бўлиб, чўллашувга қарши кураш миллий дастурини ишлаб чиққан.

Бу муаммо мамлакатимизга ҳам тегишлидир. Чунки ҳисоб-китобга кўра, республикамиз ҳудудининг 70 фоизини чўл ва чала чўллар ташкил этади. Шу сабабли БМТнинг Чўллашувга қарши кураш конвенциясига республикамиз 1995 йилда қўшилган ва бу борада тегишли миллий дастур ҳам ишлаб чиқилган.

Ҳозир давлат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик томонидан шу дастур асосида амалий ишлар қилинмоқда.

Лекин "чўллашув" жараёни секинлик билан бўлса-да давом этмоқда. Оқибатда, нафақат яйловларнинг, балки суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлиги ҳам камайиб бормоқда. Маълумки, Бухоро вилояти ҳудудий жиҳатдан тўлиғича чўл зонасига киради. Очиғи, чўл экотизими жуда нозик. У ташқи таъсирга чидамсиз бўлади.

**(Давоми 2-бетда)**

# УМИДИМИЗ КАТТА

***Президентимизнинг шу йил 24 мартда эълон қилган "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони қишлоқ хўжалигига катта ўзгаришлар олиб киради. Шу боис таҳририятимизга кўплаб фермерлар, тадбиркорлар мурожаат қилмоқда. Қуйида уларнинг фикри билан танишинг.***

**МУНОСАБАТ**

**Қулжон Маматкаримов, Зарбдор туманидаги "Ойбекжон-Одилжон" фермер хўжалиги раиси:**

-Фармонни ҳамма аъзоларимизга ўқиб бердим. Зўр... Мана, энди деҳқоннинг елкасига офтоб тегади. Фақат бу ҳужжат тезроқ амалга ошиши керак. Очиғини айтганда, қишлоқда Фармонга катта умид билан қаралаётганида ҳам сабаб бор. Масалан, ўзимни олсам, фермер бўлганимга 7 йил бўлаяпти. Бунга мен шунчаки қизиқмадим, балки умрим далада ўтаётгани учун мулкдор бўлдим. Ер билан қандай "гаплашиш"ни биламан. Аммо, фермерчиликни ривожлантишга шунинг ўзи кифоя қилмас экан. Бевосита фермерга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг совуққонлиги билан мавжуд 68 гектар ерни эплолмай, 35 гектарини "Мамат полвон" фермер хўжалигига бердим. Ҳозир ихтиёримизда 33 гектар ер бор. Бу йил 25 гектарига ғалла, 5 гектарига пахта, 3 гектарига макка ва беда экаман. Бироқ деҳқонга бугун осон эмас. Нега десангиз, Зарбдор пахта тозалаш заводи 2001 йилдан буён 2 миллион 199 минг сўмлик пахта пулини бермаяпти. Бу ҳақда вилоят хўжалик судига ҳам мурожаат қилдим. Менинг фойдамга суд қарори ҳам чиқди, аммо икки йилдирки, натижа йўқ. Бундан ташқари, ўтган йилги пахтадан ҳам бир миллион сўм пулимиз тўланмай келаяпти.

**(Давоми 3-бетда)**

**ЭЪЗОЗ**

# УЛУҒ ШОИР ҚАДАМЖОЛАРИ

***Халқимизнинг катта шоирлари кўп. Лекин улар орасида Ғафур Ғуломдай ҳар бир ўзбекнинг хонадонига, қалбига кириб боргани, элнинг дилидан чуқур жой олганлари бармоқ билан санарли.***

Аллома шоир неча йил ижод қилган бўлса, шунча муддат юрт кезди. Республикамизда у кишининг қадами етмаган шаҳару туман қолмаганки, бундай қутлуғ ташрифларга, албатта, Наманган ҳам муяссар бўлган. Кекса адабиётшунос Алихон Халилбековнинг айтишича, Ғафур Ғулом Наманганга дастлаб 30-йилларнинг бошида келган, 1934 йили пахта йиғим-терими пайтида Чўлпон билан бирга учқўрғонликларнинг меҳмони бўлишган. Ўшанда Чўлпон Ғафур Ғуломга бағишланган "Дарё бўйида" номли шеърини ёзган. Унда мана шундай сатрлар бор:

**Бу Учқўрғон ажаб оби ҳавоси дилнавоз эрмиш,**
**Хусусан дарёнинг қирғоқлари, куз фасли соз эрмиш.**

-Қирқ беш йилча бурун Бобораҳим Машрабнинг қаерда туғилгани ҳақидаги мунозара қизиб кетганди, - дейди А.Халилбеков. – Марказий газеталарнинг бирида "Машраб наманганлик эмасми?" деган мақолам босилганди.

**(Давоми 4-бетда)**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

ХАЙФ КЕКСА ДЕГАН НОМ!..

БУ ТОР ДУНЁ...

# УМИДИМИЗ КАТТА

(Боши 1-бетда)

Бормаган, югурмаган жойим қолмади. Ўз ҳаққимни талаб қилиб ёмонотлиққа чиқдим. Гапинг инобатга олинмаса, шартномага, суд қарорига завод шунчаки қоғоз деб қараса – ёмон экан. Ҳозир ёлланма ишчиларга ҳам сўзим ўтмай қолаяпти, пулни ололмаяпман-да. Бундан ташқари, ҳар йили ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини ҳам лимитда белгиланганидан кам, яъни 50 фоизини беришади. Натижада камини тўлдириш учун баъзан қонундан ташқарига ҳам чиқамиз. Илож йўқ, ҳосилни ундириш керак.

Яна бир асосий муаммо: ўтган йили 42 та транш маблағи келди. Ҳар биридан бизга тегишлиси 20-40 минг сўмни ташкил этади. Бироқ шуни олишнинг ҳам югур-югури кўп. Ҳар бир транш келганда банк, солиқ, кимё, нефтебаза, МТП каби ташкилотларга бўзчининг мокисидай югураман. Даладаги ишлар қолиб кетади. Ғўзага ишлов бериш кутиб турмайдику. Менимча, бундай оворагарчилик билан бўладиган молиялаштиришдан воз кечиш лозим. Афсуски, жойларда ҳали-ҳануз кўрсатмалар, буйруқ беришлар давом этаяпти.

**Гулчеҳра Тўраева, Зарбдор туманидаги "Қодиршоҳ" фермер хўжалиги раиси:**

-Хўжалигимиз 2000 йилда ташкил этилди. 40 гектар ерни ижарага олдик. Вилоят агрокимё лабораторияси томонидан ернинг унумдорлиги ўрганилганда 39-40 балл бонитетга эга эканлиги маълум бўлди. Албатта, бу паст кўрсаткич, шундай бўлса-да, еримиз ўз саховатини аямаяпти. Барча белгиланган шартномаларни йилма-йил уддалаяпмиз. Бироқ ерга қарамасак бўлмайди. Фармоннинг "б" бандида қишлоқ хўжалик экинларини мустақил равишда жойлаштириш ҳақида ёзилган. Бу айни муддао. Чунки еримиз зовур ва канал оралиғида жойлашган. Бир томонини қора шўр босган, иккинчи томони захлаб кетган. Зовурлар кўп йиллардан бери тозаланмаганлиги сабаб шу аҳволга тушиб қолган. Яхшиямки, техникамиз бор. Мавжуд муаммоларни ҳал этаяпмиз. Туман ҳокимлигидан ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида алмашлаб экишни сўрагандим. "Йўқ, пахта экасан, режани бажарасан", деган гапларни қилаяпти. Ҳолбуки, Фармонда товар ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, экинларни мустақил жойлаштириш ҳақида гап бораяпти-ку? Бу йил 25 гектар ерга пахта экишим керак, ҳосилдорлик юқори қўйилгани, ернинг унумдорлиги пастлиги, таъминот ёмонлиги сабабли зарар билан чиқишим мумкин. Бироқ шунга мажбурман...

Бундан ташқари, Фармонда ер 50 йилга ижарага берилади, дейилган. Бу жуда зўр гап. Умуман олганда, ерга кўр-кўрона эмас, ақл билан муносабатда бўлишимиз керак. Ундан фақат маҳсулот талаб қилавермасдан ернинг ҳолига ҳам қарайлик... Туманимизда Исмат Сайфиев деган сертификатчи бор. Ҳокимнинг топшириғи билан шундай амалдорлар пайдо бўлган. Ерни умуман тушунмайди. Кераксли пайти чигит олиш-олмаслигимиз унинг имзоси билан ҳал бўлади. Қандайдир баҳоналарни топиб, фермерлар ишини ортга тортади. Барибир туманларда ана шундай асабхўр кўрсатма берувчи бўғинлар пайдо бўлаётгани, сақланиб қолаётганлиги афсусланарли. Мен-ку майли, аёл кишиман, шу томонлама андиша қилишиб йўлимга унчалик тўғаноқ бўлавермайди. Қолганлар-чи?

Фермер хўжалигимиз кўрсаткичлари ҳар томонлама яхши бўлганидан республика деҳқон-фермерлар уюшмаси қурултойида қатнашдим. Шунда уч юзга яқин илғор фермерлар АҚШга бориб тажриба ўрганиб келишга юборилишини айтишди. Бундан жуда мамнун бўлдим. Қани энди чет эллик фермерларнинг зўр тажрибаларини ўрганиб, ўзимизда ҳам қўлласак, нур устига аъло нур бўларди.

**Зиёдулла Шералиев, Зарбдор тумани МТП раҳбари:**

-Фармон қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, иқтисодиётимизни юксалтириш ва эл дастурхонининг мўл-кўлчилигини таъминлайди. Туманимизда шартнома шартларига амал қилиш ва уни ўз вақтида бажариш мақсадида қатор ишлар қилинаяпти. Бироқ хизмат кўрсатишда юқори ташкилотлар томонидан қўшимча топшириқлар бўлиб турибди. Натижада камчиликларга йўл қўйяпмиз. Бундан ташқари, фермерларга қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар етказиб беришда маблағлар фақат транш бўйича бўлиб қолди. Шу боис эҳтиёт қисмлар, солиқ тўловлари ва иш ҳақи бериш ўз вақтида бўлмаяпти. МТПдан ёрдам олмайдиган, техникаси ўзига етарли фермерлардан транш маблағлари келиб тушиши натижасида қарздор бўлиб қолаяпмиз. Жумладан, 197 та фермер хўжалигидан 43 миллион сўм қарздормиз, 799 та фермер хўжалиги эса 420 миллион сўм биздан қарздор. МТПда 26 та "Кейс" ғалла ўриш комбайни, 27 та "Магнум" ер ҳайдаш тракторлари мавжуд бўлиб, шундан 23 таси юради. Эҳтиёт қисмлари қиммат, юз фоиз олдиндан пул тўланиши керак. Фармонда айтилганидек, шартнома шартларига қатъий амал қилинса, назорати ҳам, ижроси ҳам шундай бўлса, юқоридан ортиқча топшириқ, ноқонуний буйруқлар, дўқ-пўписа қилишлар барҳам топса, кўзлаган натижаларга албатта, эришамиз.

"Қишлоқ ҳаёти" мухбири
Шароф СУЛТОНОВ
ёзиб олди.

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ИРОҚДА КЎЧМА ЛАБОРАТОРИЯ ТОПИЛДИ

***Пентагон ташкилоти Ироқда биологик қурол ишлаб чиқаришга мўлжалланган кўчма лаборатория топилганлигини расман маълум қилди.***




19 апрел куни мамлакат шимолидаги Тол Каиф шаҳри яқинида топилган кўчма лаборатория Америка ва Британия мутахассислари томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилган ва ундан биологик қурол яратиш мақсадида фойдаланилган, деган хулосага келинган. Чунки, унда бактерияларни кўпайтиришда керак бўладиган ферментатор каби жиҳозлар борлиги маълум бўлган. Айни пайтда Америка ва Британия мутахассисларининг бу хулосаси Ироқдан оммавий қирғин қуроллари топиш борасидаги илк муваффақият, дея айтилмоқда, дейилади CNN агентлиги.

## ПАУЭЛЛ ВА АННАН УЧРАШУВИ

***"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл БМТ Бош котиби Кофи Аннан билан Ироқдаги урушдан кейинги бугунги жараёнда халқаро ҳамжамиятнинг, хусусан, БМТнинг ўрни хусусида фикр алмашди.***



БМТ қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувда Ироқдан ташқари, Яқин Шарқ мавзуси ҳам тилга олинди. БМТ раҳбари вакили Фред Экхарднинг айтишича, ўтган ҳафта бош котиб Хавфсизлик Кенгаши аъзолари билан Ироқ бўйича учрашув ўтказган ва иттифоқчиларнинг барқарорлик ўрнатиш борасидаги ҳаракатлари ҳақида тўхталган эди.

## SARS ҲАҚИДА ФИЛЬМ ЯРАТИЛМОҚДА

***Кинорежиссёр Стив Чен Гонконгдаги "Mandarin Films" студиясида "SARS шаҳри" дея номланган фильм яратишга киришди.***



Июл ойида экран юзини кўрадиган янги трагикомедия жанридаги фильм 3 бўлимдан иборат бўлади. Унинг биринчи бўлимида карантин ҳолатида сақланаётган йигит ва қиз ўртасидаги муҳаббат, иккинчи бўлимда шифокорларнинг эпидемияга қарши курашиши, учинчи бўлимда эса инқирозга учраган бизнесменнинг SARSни ўзига юқтиришга уруниши ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳозир ғарб давлатларида танилган хитойлик актриса Гун Ли фильмда иштирок этишга таклиф этилмоқда. Бугун SARS туфайли Хитойда 214 киши ҳалок бўлди.

## ХУРУЖ БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

***АҚШ давлат департаменти Қирғизистондаги ўз фуқароларига ёки Қўшма Штатлар манфаатларига қарши экстремистик гуруҳлар томонидан ҳужум бўлиши мумкинлигини маълум қилди.***



Департамент бу ҳаракатдан хавотирланмоқда. Боиси, мазкур ҳаракат фаолияти сўнгги пайтларда анчагина жонланиб қолган. Айни пайтда Бишкекдаги АҚШ элчихонаси хавфсизлиги юқори даражада ташкил этилган. Шунингдек, террорчи экстремистлар Бишкекдан унча узоқ бўлмаган Манас ҳарбий ҳаво базасига ҳам ҳуруж қилишлари мумкин. 2001 йилнинг кузидан эса мазкур Манас базасида Америка ҳарбийлари иш юритмоқдалар.

## ПХЕНЬЯН ЯДРО ҚУРОЛИНИ СОТАДИМИ?

***"Washington Post" газетасининг ёзишича, Шимолий Корея нафақат ядро қуроли ишлаб чиқариши, балки сотиши ҳам мумкин.***



Оқ уй маъмуриятидан олган манбага таяниб ёзаркан "Washington Post", бу ҳақда яқинда Пекинда бўлиб ўтган АҚШ – Шимолий Корея ўртасидаги музокараларда Пхеньян вакиллари маълум қилганлигини урғулаган. АҚШ давлат котиби ўринбосари Жеймс Келли ва Шимолий Корея ташқи ишлар вазири Ри Гунлар ўртасида кечган Пекин учрашувида Пхеньяннинг кейинги ҳаракатлари Вашингтонга қўйилган таклиф жавобига қараб юритилиши ҳам ошкор бўлган эди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# БИР ОТАРДАН - ИККИ ОТАР

***Навоий вилоятидаги "Томди" ширкат хўжалигининг С.Абдириуев бошлиқ оилавий пудрат жамоаси қоракўлчиликни ривожлантиришга муносиб улуш қўшиш ниятида бир отардан икки отар яратиш ташаббуси билан чиққанди.***

Соҳа жонкуярлари бу йилги қўзилатиш мавсумида 651 бош совлиқдан 948 бош қўзи олиб, ҳар бир она қўйига биттадан қўзи қолдириб, кўзлаган марраларига эришдилар. Ана шу хайрли ташаббус фақатгина "Томди" ширкат хўжалигида эмас, балки Навоий вилоятининг бошқа жойларида ҳам кенг қулоч ёйиб, уни қўллаб-қувватловчилар сафи кенгайди. Чунончи, "Нурота" наслчилик заводидан Р.Дўстов, Ф.Хўжаев номли ширкатдан Р.Усмонов, Балиманов номли ширкатдан А.Нуров, ташаббус юзага келган "Томди" ширкатидан К.Касоковлар етакчи бўлган оилавий пудратчилар ҳам қувончли натижаларга эришишди.

Бу йилги қўзилатиш мавсумида Навоий вилояти қоракўлчилари алоҳида ўрнак кўрсатдилар. Ж.Букаев раҳбарлигидаги "Конимех", Ў.Кукенов етакчилигидаги "Сарибел", М.Эгамкулов раис бўлган Абай номли, шунингдек, "Қизилқум", "Оёққудуқ", "Нурота", "Қизилча" ва бошқа ширкат хўжаликлари чўпонлари ҳар юз бош совлиқдан 116-123 бошдан қўзи олиб, уларнинг 80-90 фоизини ўстиришга қолдирдилар.

**ТАШАББУС**

-Мамлакатимиз қоракўлчилигини ривожлантиришда Навоий вилояти хўжаликлари алоҳида ўрин тутади, - дейди "Ўзбек қоракўли" компанияси раиси Бастамкул Сайитқулов. – Бугунги кунда вилоят яйловларида компания тизимидаги қоракўл қўйларнинг қарийб 50 фоизи боқилмоқда. Бу йилги қўзилатиш мавсумида 503,4 минг бош совлиқдан 573,8 минг бош ёки ҳар юз бошидан 114 тадан қўзи олиб, унинг 80 фоизини ўстиришга қолдирдилар. Яққол тасаввур ҳосил қилиниши учун қуйидаги далилни келтириш ўринли: вилоят яйловларидаги қўйларнинг сони баҳорда 402,2 минг бошга кўпайди. Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари қоракўлчилари ҳам навоийликлардан ўрнак олиб, ўз кўрсаткичларини яхшиладилар. Компаниямиз бўйича 1 миллион 107,3 минг бош совлиқнинг ҳар юз бошидан ўртача 104 бошдан қўзи олишга эришилди.

Мамлакатимизда қоракўлчиликни 2010 йилгача ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалга ошириш юзасидан дастлабки қувончли натижаларга эришилмоқда. Ҳозирги пайтда тармоқда жун қирқиш, хашак тайёрлаш ва бошқа мавсумий тадбирларни ўз вақтида пухта ўтказиш чоралари кўрилиб, соҳани янада ривожлантириш учун сармоя киритиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси тармоқ тараққиётига хизмат қилади.

**Муаттар ҒАФУРОВА**



**Жиззах шаҳридаги "Зилола текс" ҳиссадорлик жамиятининг 120 нафар ишчи ва хизматчилари мактаб ўқувчилари учун трикотаж кийим-кечак тайёрлаяпти. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги тендерида ғолиб чиқиб, вазирлик эҳтиёжи учун трикотаж маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам бошлади.**

**СУРАТДА: бичувчи Насиба Ризаева.**

Илҳом ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

# ҲАЖМ ЭМАС, САМАРА МУҲИМ

***Жомбой тумани "Машина трактор парки" ҳиссадорлик жамиятида техниканинг хизмат муддатини узайтириш мақсадида Республикада биринчилардан бўлиб янгича иш усулига ўтилди. Энди амалга оширилган иш ҳажми гектар ҳисоби билан эмас, техника мотори ишлаган соати билан ҳисобланмоқда. Бунинг афзаллиги шундаки, трактор ва комбайнлар беҳуда ҳаракат қилмайди, вақт, ёнилғи-мойлаш материаллари тежамкорлигига эришилади, самарадорлик ортади.***

**ИЗЛАНИШ**

Масалан, МТП жамоаси 2001 йилда 4 фоиз самарадорликка эришган бўлсалар, янгича ҳисобга ўтилган 2002 йилда реңтабеллик даражаси 14 фоизга кўтарилди. Илғорлар тажрибасини оммалаштириш, буни бошқа турдаги корхоналарда ҳам қўллаш бўйича республика семинари ўтказилди.

Семинарда "Ўзагромашсервис" уюшмаси, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вакиллари, илмий текшириш институтлари олимлари, мутахассислари ва машина-трактор парклари раҳбарлари иштирок этдилар.

Бўлиб ўтган амалий ўқув семинари ҳали бу жараёнга ўтилмаган жамоалар вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Улар Жомбой тажрибасини ўзларида қўллаш ниятида эканликларини айтишди.

Ҳамза ШУКУРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.


Шошилинг!



"ЎзДЭУавто"
компанияси
"Асака" банки билан биргаликда
1 августгача автомобилларни
КРЕДИТГА сотишни бошлади

UZ-DAEWOO

*Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60 фоизини ташкил этади, қолган 40 фоизи эса 2 йил давомида йиллик 20 фоиз ҳисобга олинган ҳолда тўланади.*

Автомобиллар Сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда

Автомобиллар ҳақидаги
ўз орзуингизни
рўёбга чиқаринг!





Деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, Сизлар учун!

ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ?
МАРҲАМАТ!



**Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси таркибидаги "Агрихим" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти.**

**Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал: шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30. Тел: (99871) 169-35-46, 169-49-33. Факс: 169-49-44.**


**ДАВР**

## ФЕРМЕРЛИК – ШИЖОАТ, ЯРАТИШ ДЕМАК

***Ёзёвон туманидаги "Толқудуқ-97" фермер хўжалигининг 150 гектар ери бор. Ер соҳиби Адҳамжон Шерматов эса тиниб-тинчимайдиган йигит. Ўтган йил фермер 33 центнердан жами 327 тонна пахта, 120 тонна дон етиштириб давлатга сотди. Бундан мўмайгина даромад кўрилди.***

Бугун далада иш қизғин. Ариқ-зовурлар четига кўчатлар дарахт қаламчалари экилаяпти. Дала шийпони оқлаб қўйилди. Ерлар текисланиб, чигит экиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

60 гектарлик буғдой майсалари баравж ривожланмоқда. Шийпон атрофига эса 50 тупдан ортиқ арча ниҳоллари ҳам экиб қўйилган. Қилинган ишларни кўриб хаёлимиздан шундоқ фикрлар ўтди: "Ишбошилар талабчан, покизаликни севадиган бўлгач, ишлар шунақа зўр бўлаверади-да..."

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ**

